

**МАЊНАВИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ ВА ИЛМИЙ
АНЃАНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЯНГИ ҲАРАКАТЛАР**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноятчиликка қаршии
курашии фаолияти факультети катта ўқитувчи-методисти*

Сайдова Ситора Алишеровна

Аннотация: уишу мақолада дин ва диний профессионал таълим, ноқонуний диний фаолият юритши, ҳозирги кундаги диний таълим соҳасидаги ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасида диний таълим борасида мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиши масаласига қаратилган.

Калит сўзлар: дин, эътиқод, диний профессионал таълим, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, глобаллашув, фуқаролик жамияти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида буюк аждодларимиздан қолган бой маърифий ислом таълимотини асраб авайлаш, уни тўғри талқин қилиш билан боғлиқ бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига тўхталиб, “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” [1] - дея дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Бугунги кунда юртимизда жадал суръатларда олиб борилаётган янгиланиш, иқтисодий ўсиш ва ҳар жабҳада кузатилаётган ривожланиш жараёнлари барча соҳалар қатори мањнавий-маърифий, маъданий ва диний соҳаларда ҳам ўз аксини топиб бормокда. Сўзимизнинг ёрқин ифодаси сифатида айни дамда аҳоли орасидаги динга бўлган муносабат Собиқ Совет

иттифоқи даврида кузатилган чиркин фикрлашдан воз кечиб, ижобий томонга ўзгарғанлиги, атеистик хужумкорлик сиёсатига барҳам берилиб, виждон эркинлиги қонун асосида кафолатланғанлиги каби бир қатор мисолларни келтиришимиз мүмкін.

Бугунги қунда бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш ҳар биримизнинг долзарб вазифамизга айланиб бормоқда. Шу билан бир қаторда турли дин вакилларининг ҳуқук ва эркинликлари таъминлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирлар, Конституциямизда ўз ифодасини топған “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришига йўл қўйилмайди” [2] – дея таъкидланган жумлалар юқорида таъкидланган инсонпарварликнинг чин маънода намунаси десак муболага бўлмайди албатта.

Сўнги йилларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамиятнинг ижтимоий тузилишини такомиллаштириш, ҳокимият ва жамоат ташкилотларининг ўз фаолияти учун жавобгарлигини ошириш каби масалаларга тобора кенгроқ эътибор қаратиб борилмоқда. Парламент томонидан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бу борадаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мазкур ҳужжат юртимиз фуқароларининг дини, тили, миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида тенглиги, улар ўзлари хоҳлаган динга эътиқод қилишлари ва ўз диний маросимларини эмин-эркин бажариш кафолатини таъминлаб берди.

Диний профессионал таълим — диний таълим муассасаларида ўқувчиларга маълум бир конфессияга оид диний билимлар беришга қаратилган жараёндир.[4]

Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш ҳар доим устувор вазифалардан бири бўлиб келган. Унга кўра, диний таълимнинг

профессионал мақоми расман эътироф этилди, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, динга бўлган муносабатидан қатъий назар, дунёвий таълим олиш хуқуқи таъминланиши қайд этилди.

Шу мақсадда, диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний фаолият сифатида белгиланди. Юқоридагиларга қўшимча қиласиган бўлсак Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг **5-моддасида** жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар кимга **таълим олиш учун тенг хуқуқлар кафолатланади**, дея белгилаб

“Ҳар қандай шахснинг “ўзича” аҳолига диний таълим берииши — ноанъанавий ақидаларнинг тарқалишига, мутахассис бўлмаган шахслар томонидан соғ диний масалалар бўйича бирёқлама тушиунчалар берилишига олиб келади. Бу эса жамиятда диний масалалар билан боғлиқ ихтилофлар келиб чиқишига, аҳолининг ёт гоя ва қараашлар таъсирига тушишига сабаб бўлади”, [4] дейилади шарҳда.

қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз. [3]

Хозирги кунда Республикамиз аҳолисининг ислом динини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида расмий ташкилотлар томонидан етарлича шарт-шароитлар яратиб берилган бўлиб, диний билим олиш истагида бўлган ёшлар мадраса, кўйи, ўрта ва олий диний таълим муассасаларида ислом илмларидан таълим олишлари мумкин ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида 3 та олий ва 10 та ўрта таълим муассасаси мавжуд ва уларда таълим олиш кафолатланган, етарлича шарт-шароитлар яратилган ва таълим профессионал педагоглар ҳамда диний уламолар томонидан олиб борилади.

Шундай бўлсада айрим шахслар мўмай даромад топиш илинжида фуқаролар диний профессионал таълим кўрмай туриб, шахсий ўкув марказлари очиб уларда ноқуниний диний таълимлан сабоқ бериб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир қанча диний профессионал таълим марказлари фаолият юритилаётганлигига қарамасдан кўплаб фуқароларимиз етарли диний билимга эга бўлмаган шахслар томонидан диний билим берилиши ва ёд ғояларни ўрганиб ноқонуний билим олишмоқда. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига биноан, диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, диний ташкилот томонидан фаолиятни ўзи турган жойдан, шу жумладан ибодат қилинадиган бинолардан ва диний ташкилотга тегишли ҳудудлардан ташқарида амалга ошириш, шунингдек диний таълим муассасаларидан ташқарида хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуғулланиш таъкидланиши ҳамда 8-моддасида ҳар ким диний таълим муассасаларida профессионал диний таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, диний таълим муассасаларida ўқишга фуқаролар қонунчиликка мувофиқ умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим ёки профессионал таълим олганидан кейин қабул қилинишлари белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, турли миллат ва конфессия вакиллари истиқомат қиласиган жамиятимизда қонун билан ўрнатилган ва ижтимоий келишув асосида тартибга солинадиган қонун-қоидаларга риоя қилишимиз керак. Фарзандларимизни расмий диний таълим муассасаларидан таълим олишларини, турли экстремистик ва фундаменталистик шахсларни ғоялари таъсиридан саклашимиз лозим.

Шундай экан амалдаги қонунчиликка риоя қилиш барча фуқаролар учун муқаррарлиги, диний таълим олишга фақатгина расмий диний муассасаларда рухсат этилиши, фуқароларнинг шахсий диний қарашлари асосида диний таълим олиш мумкин эмаслиги белгиланган. Ушбу тартибга қарши ҳар қандай инсонларнинг хатти-ҳаракатлари қонун асосида қатъий таъқиб қилишини англааб этишлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т-2023
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти *2021 йил 5 июль куни янги таҳрирдаги “Вижданон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни*.